# ЧУҚУР ТАЪЗИЯНОМАЛАР

**КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ТАНИҚЛИ АРБОБИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ, ИККИ МАРТА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВНИНГ БЕВАҚТ ВАФОТ ЭТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ НОМИГА ЧУҚУР ҚАЙҒУ-АЛАМ ИЗҲОР ЭТИЛГАН ТЕЛЕГРАММАЛАР ВА МАКТУБЛАР КЕЛИБ ТУРИБДИ.**

**ҲОЗИР ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ, МИЛЛИОНЛАБ СОВЕТ ХАЛҚЛАРИ ОҒИР ЖУДОЛИКНИНГ БЕНИҲОЯ ЧЕКСИЗ ҚАЙҒУ-АЛАМИНИ БОШДАН КЕЧИРМОҚДАЛАР.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унутилмас Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан КПСС Москва шаҳар комитети, Москва меҳнаткашлари чуқур таъзия билдирадилар.

Москва меҳнаткашлари Шароф Рашидович Рашидовни халқнинг содиқ фарзанди, чинакам интернационалист, Коммунистик партияга, марксизм-ленинизм ғояларига ниҳоятда содиқ, москваликларнинг қалин дўсти сифатида яхши билишар ва ҳурмат қилишарди. Москваликлар Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотирасини ҳамиша эсда сақлаб қоладилар.

Марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига бизнинг чуқур таъзиямизни билдиришингизни сўраймиз.

**КПСС Москва шаҳар комитетининг топшириғига биноан**
**В. ГРИШИН.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Украина Компартияси Марказий Комитети, Украина ССР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан Совет Ўзбекистонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари билан бирга чуқур қайғурмоқдалар.

Ленинчи партиямиз ва совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси Украина ССР коммунистларининг, меҳнаткашларининг қалбларида ҳамиша сақланиб қолади. Шароф Рашидович Рашидовнинг ҳаёт йўли Совет Ватанига, коммунистик қурилиш ишига астойдил хизмат қилишнинг ёрқин намунаси эди.

Шароф Рашидовичнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига бизнинг самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

**Украина Компартияси Марказий Комитети**
**Украина ССР Олий Совети Президиуми**
**Украина ССР Министрлар Совети**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Белоруссия Компартияси Марказий Комитети, Белоруссия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети оғир жудолик — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидов тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан Ўзбекистон коммунистларига ва барча меҳнаткашларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Барча совет кишилари каби Белоруссия меҳнаткашлари ҳам Шароф Рашидовични Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, ўзининг бутун кучи ва ташкилотчилик истеъдодини совет халқига, коммунизм идеалларига хизмат қилишга тўла-тўкис бағишлаган оташин ватанпарвар сифатида яхши билишарди.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Марҳумнинг оиласи ва яқин кишиларига бизнинг самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

**Белоруссия Компартияси Марказий Комитети**
**Белоруссия ССР Олий Совети Президиуми**
**Белоруссия ССР Министрлар Совети**

## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Туркманистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми, Туркманистон ССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан қардош Ўзбекистон коммунистларига, барча меҳнаткашларига чуқур таъзия билдирадилар.

Шароф Рашидович Рашидов бутун онгли ҳаётини, ўз билимлари, коммунистга хос истеъдоди, тажрибасини Ленин партиясига, совет халқига астойдил хизмат қилишга, Ўзбекистонни равнақ топтиришга бағишлади.

Туркманистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари Шароф Рашидовични республикамизнинг улкан дўсти, матонатли коммунист, серғайрат раҳбар, социалистик Ватаннинг оташин жонкуяри, интернационалист, ажойиб ёзувчи, партия ва Совет давлати ишига чексиз содиқ бўлган меҳрибон ва самимий инсон сифатида билишарди.

У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари сифатида республика халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришга, улуғ мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшди.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси Туркманистон коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг қалбларида мангу яшайди.

Шароф Рашидовичнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига самимий ҳамдардлигимизни топширишингизни сўраймиз.

**Туркманистон Компартияси Марказий Комитети**
**Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми**
**Туркманистон ССР Министрлар Совети**

## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан Иваново области коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан бизнинг ғоят чуқур таъзиямизни қабул қилгайсизлар.

Серқуёш Ўзбекистон ва тўқимачилар ўлкаси меҳнаткашлари қадимий дўстлигининг кўпгина ёрқин саҳифалари бизнинг азиз биродаримиз Шароф Рашидович Рашидовнинг номи билан боғлангандир. Шу боисдан ҳам биз ниҳоятда қаттиқ қайғурмоқдамиз, шу боисдан унинг хотираси ивановоликларнинг қалбларида абадий сақланиб қолади.

**Иваново область партия комитетининг биринчи секретари**
**В. КЛЮЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Олтой коммунистлари, барча меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг содиқ фарзанди, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб ғоят қайғурдилар.

Шароф Рашидович қарийб чорак аср мобайнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида бўлиб, ўзининг бутун кучи, ғайрат-шижоати ва билимларини партия билан совет халқига хизмат қилиш ишига бағишлаб келди. Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари унинг бевосита раҳбарлигида республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш соҳасида ғоят катта муваффақиятларга эришдилар. У йирик сиёсий арбоб, талантли ёзувчи ва публицист эди. Ватанпарвар ва интернационалист бўлган унинг бутун ҳаёти биз учун ўз социалистик Ватанига, коммунизм ишига садоқат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси Олтой ўлкаси меҳнаткашлари қалбларида ҳамиша сақланиб қолади.

**КПСС ўлка комитетининг биринчи секретари**
**Н. АКСЕНОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Хабаровск ўлка комитети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Марҳумнинг оиласига ва яқин кишиларига сидқидилдан ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

**КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари**
**А. ЧЕРНИЙ.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Амур область партия комитети ва область ижроия комитети область коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан оғир жудолик — таниқли партия ва давлат арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидов тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**КПСС Амур область комитети, область ижроия комитети**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Правдачилар коллективи улкан дўстимиз Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур қайғурмоқдалар.

Марҳумнинг оиласига ва яқин кишиларига ҳамдардлик изҳор қиламиз.

**«Правда» газетасининг бош редактори**
**В. АФАНАСЬЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Ўзбекистон ва бутун мамлакат учун оғир жудолик — истеъдодли ва донишманд давлат арбоби, ажойиб ва дилкаш инсон, азиз Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан қайғунгизга шерикман ва чуқур қайғудаман.

Шароф Рашидовичнинг оиласига сидқидилдан ҳамдардлигимни етказишингизни сўрайман.

**СССР фанлар академиясининг вице-президенти академик**
**П. ФЕДОСЕЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Содиқ ленинчи, интернационалист, ажойиб инсон Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан СССР Медицина фанлари академияси президиуми номидан чуқур ҳамдардлик изҳор қиламан.

**СССР Медицина фанлар академиясининг президенти академик**
**Н. БЛОХИН.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги коллегияси Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Шароф Рашидович Рашидов кўп йиллар давомида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлди. Шу давр ичида республика экономика, фан ва маданият соҳасида катта ютуқларга эришди. Мамлакат мелиораторлари Ўзбекистонда ирригацияни ривожлантиришга Шароф Рашидович қўшган шахсий ҳиссани юксак қадрлайдилар.

Коммунистик партия содиқ фарзандининг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Шароф Рашидовичнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

**СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри**
**Н. ВАСИЛЬЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

СССР Қурилиш министрлиги коллегияси ва жамоат ташкилотлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Биз Шароф Рашидовични атоқли совет сиёсий ва давлат арбоби, Совет Ўзбекистонини ривожлантириш ишига ғоят катта ҳисса қўшган, ўзининг бутун онгли ҳаётини социалистик Ватанимизга, коммунистик қурилиш улуғ ишига астойдил хизмат қилишга бағишлаган инсон сифатида билар эдик.

Шароф Рашидовичнинг оиласига бизнинг чуқур ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

**СССР қурилиш министри**
**Г. КАРАВАЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

СССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг коллегияси таниқли партия ва давлат арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз. Шароф Рашидовичнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**СССР озиқ-овқат саноати министри**
**В. ЛЕИН.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидов тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан Газ саноати министрлиги коллегияси номидан чуқур таъзия билдираман. Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби ҳаётдан кўз юмди. У ўз ақл-идроки ва қалбининг бутун кучини, ўзининг бутун беқиёс ташкилотчилик истеъдодини коммунистик қурилиш ишига бағишлади.

Шароф Рашидович Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида узоқ йиллар ишлаб, республика саноати ва қишлоқ хўжалигини, фани ва маданиятини ривожлантиришга, катта-катта социал вазифаларни ҳал этишга улкан ҳисса қўшди. Унинг бутун кўп йиллик ва самарали фаолияти — Ватанга астойдил хизмат қилиш намунасидир.

Ажойиб коммунист, оташин ватанпарвар, қалби дарё инсон — Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига бизнинг самимий таъзиямиз ва чуқур ҳамдардлигимизни топширингизни сўрайман.

**СССР газ саноати министри**
**В. ДИНКОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

СССР Алоқа министрлиги коллегияси, барча совет алоқачилари таниқли партия ва давлат арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, машҳур ўзбек ёзувчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидов вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари халқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда эришган катта муваффақиятлар Ш. Р. Рашидов номи билан боғлангандир. Оташин коммунист, ленинчи-интернационалист, самимий ва меҳрибон инсон ҳаётдан кўз юмди. Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**СССР алоқа министри**
**В. ШАМШИН.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий Кенгаши, Сиёсий бошқармаси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ва самимий ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Бутун ҳаётини Ленин партиясининг улуғ ишига, совет халқига фидокорона хизмат қилишга бағишлаган таниқли давлат ва партия арбоби ҳаётдан кўз юмди.

Туркистон округи жангчилари Ш. Р. Рашидовни Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, Ҳарбий Кенгашнинг округ қўшинларининг жанговар ва сафарбарлик тайёргарлигини ошириш, меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилган аъзоси сифатида билардилар.

Ш. Р. Рашидовнинг ёрқин ва ажойиб ҳаёти Туркистон округи қўшинлари учун бурчга, партияга, Ватанга садоқат намунаси бўлиб қолади.

**Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали**
**Ю. МАКСИМОВ.**

**Ҳарбий Кенгаш аъзоси — округ Сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант**
**Н. МОИСЕЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов вафот этганлиги муносабати билан республика пойтахти коммунистлари, меҳнаткашлари, барча тошкентликлар номидан чуқур таъзия билдиради. Шу оғир жудолик тўғрисидаги хабар тошкентликларни чуқур қайғуга солди.

Шароф Рашидович Рашидовнинг бутун ҳаёти ва фаолияти — Ватанга, коммунистик қурилиш улуғ ишига астойдил хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Бутун республика меҳнаткашлари каби тошкентликлар ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг халқ фаровонлигини юксалтиришга ва экономикани янада мустаҳкамлашга, пролетар интернационализми, совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги принципларини қарор топтиришга қаратилган ғоят катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларни Ш. Р. Рашидов номи билан чамбарчас боғламоқдалар.

Шароф Рашидович Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти Тошкент билан чамбарчас боғланган эди. У шу ерда ишлаб меҳнаткашлар билан, партия активи билан учрашиб турар эди. У Тошкентдан бир неча марта СССР Олий Советининг депутатлигига сайланган.

Шароф Рашидович Рашидов тошкентликларнинг талаб-эҳтиёжлари тўғрисида, Ўзбекистон пойтахтини ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида, пойтахтни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш тўғрисида доимо зўр ғамхўрлик қилиб келди.

Шароф Рашидович коммунистларнинг, барча тошкентликларнинг хотирасида ленинча ғоявийлик, меҳнат аҳлининг манфаатлари учун курашда матонат ва собитқадамлик намунаси бўлиб қолади.

**Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Бухоро областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати азиз Шароф Рашидович Рашидов тўсатдан бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, чуқур қайғуга тушдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишда эришган жуда катта ютуқлар Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, оташин ватанпарвар ва интернационалист Шароф Рашидович Рашидовнинг номи билан боғланган.

**Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитети**
**Бухоро область ижроия комитети**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Атоқли партия ва давлат арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, истеъдодли ёзувчиси, ҳаммамиз учун азиз Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан Қашқадарё коммунистлари, барча меҳнаткашлари чуқур қайғурмоқдалар.

Ш. Р. Рашидовнинг бутун ҳаёти сўнгги нафасигача халққа, Ленин партияси идеалларига беғараз хизмат қилишга бағишланди. Шароф Рашидович қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, ўз ажойиб қалбининг бутун ҳароратини батамом кишиларга бағишлаб, партиявий камтарлик, принципиаллик ҳамда партия билан халқ олдидаги ўз бурчини юксак даражада тушуниш намунасини кўрсатди. Шароф Рашидович қўриқ ўлкамизни ривожлантириш учун беқиёс даражада кўп иш қилган самимий, сезгир, меҳрибон ва донишманд киши сифатида қашқадарёликларнинг хотирасида ҳамиша сақланиб қолади. Қўриқ ўлкамизнинг ўзлаштирилиши ва гуллаб яшнаши унинг номи билан абадий боғлангандир.

Қашқадарё область партия комитети ва область ижроия комитети, область коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукуматига, марҳумнинг оиласига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

**Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитети**
**Қашқадарё область ижроия комитети**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Республикамизга қайғули хабар тарқалди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин идеалларини қарор топтириш учун толмас курашчи Шароф Рашидович Рашидовнинг юраги уришдан тўхтади.

Шароф Рашидович қарийб чорак аср республика партия ташкилотига бошчилик қилди. Коммунистик қурилишда Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятлар унинг номи билан боғланган. У кўпмиллатли совет адабиётининг гуллаб-яшнашига бебаҳо ҳисса қўшди. Шароф Рашидович Рашидов Марказий Қизилқумнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тўғрисида доимо оталарча ғамхўрлик қилди. У Навоий областига, область партия ташкилотига асос солди, ўз маслаҳатлари, самимийлиги, донишмандлиги билан ишчилар коллективларини фидокорона меҳнатга илҳомлантирди. Шароф Рашидович Рашидовнинг сиймоси барча навоийликлар учун ўрнак бўлади. Партия раҳбари, ёзувчи бўлган Шароф Рашидович ўзининг бутун ҳаёти билан халқ бахт-саодати учун қандай курашиш намунасини кўрсатди.

**Ўзбекистон Компартияси Навоий область комитети**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Наманган областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиямизнинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, чуқур қайғуга ботдилар.

Республика меҳнаткашларининг қизғин меҳр-муҳаббати ва иззат-ҳурматига сазовор бўлган улкан қалб эгаси, оташин коммунист, принципиал раҳбар орамиздан кетди. Шароф Рашидовичнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Самимий ҳамдардлигимизни марҳумнинг оиласи, қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига етказишингизни сўраймиз.

**Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитети**
**Наманган область ижроия комитети**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Хоразм области коммунистлари, барча меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республикада хўжалик ва маданий қурилишнинг атоқли ташкилотчиси, оташин ватанпарвар ва эътиқодли интернационалист Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, чуқур қайғу-алам туйғуларига тўлиб тошдилар.

Унинг бутун ажойиб ҳаёти, олижаноб коммунистик идеаллар тантанаси йўлида курашчи ва меҳнаткаш сифатида у босиб ўтган бутун йўл бизнинг ҳаммамиз учун Ватанга, партия ва халқ манфаатларига астойдил хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Биз область ишлаб чиқарувчи кучларини жадал юксалтириш, пахтачиликни, шоликорликни ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш каби катта-катта халқ хўжалик проблемаларининг ҳал этилишини ҳақли равишда Шароф Рашидович Рашидов номи билан боғлаймиз. У сезгирлиги, қалб саховати, самимийлиги ва меҳрибонлиги, кишилар тўғрисидаги ғамхўрлиги, шахсий софдиллиги ва камтаринлиги туфайли республика коммунистлари, барча меҳнаткашларининг чексиз иззат-ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

**Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитети**
**Хоразм область ижроия комитети**

